



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ ҚАРОРИ

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон “Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиб механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 472-сон (рўйхат рақами 943, 2000 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк Раиси

Тошкент ш.,
2019 йил “16” февраль,
3/16-сон



М. Нурмуратов

000064

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил “16” февраль даги
31/12-сон карорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3¹.1-банднинг иккинчи хатбохисидаги “ва терроризмни” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 4.2-банднинг биринчи хатбохисидаги “, Марказий банк билан келишилган ҳолда” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

